

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР, БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАЕВА МАНЗУРА АХРОНҚУЛОВНА

**ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК НАСРИДА ЯНГИ ИНСОН КОНЦЕПЦИЯСИ
(Абдуқаюм Йўлдошев ва Зулфия Қуролбой қизи ҳикоялари асосида)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

УЎК: 821.512.133'06:82.01(0433)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Жўраева Манзура Ахронқуловна

Замонавий ўзбек насрида янги инсон концепцияси
(Абдуқаюм Йўлдошев ва Зулфия Қуролбой қизи ҳикоялари асосида)..... 3

Жураева Манзура Ахронқуловна

Концепция нового человека в узбекской прозе (на основе рассказов
Абдуқаюма Юлдашева и Зульфийи Қуролбой қизи)..... 25

Jurayeva Manzura Ahronkulovna

Concept of the new human in modern uzbek prose
(based on stories by Abdulqayum Yoldashev and Zulfiya Quralbayqizi)..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР, БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАЕВА МАНЗУРА АХРОНҚУЛОВНА

**ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК НАСРИДА ЯНГИ ИНСОН КОНЦЕПЦИЯСИ
(Абдуқаюм Йўлдошев ва Зулфия Қуролбой қизи ҳикоялари асосида)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2018.III.PhD/Fil.524 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифада (www.fdu.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) жойлаштирилди.

Илмий раҳбар: **Солижонов Йўлдошхўжа**
филология фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: **Болтабоев Ҳамидулла**
филология фанлари доктори, профессор.

Мирзаева Салима
филология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: **Термиз давлат университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19, Тел: (993873) 244-44-29; факс: (+99873) 244-66-03; e-mail: fardu_info@umail.uz.)

Диссертацияси билан Фарғона давлат университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19, Тел: (99873) 244-44-02).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

М.Х.Ҳақимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор.

М.Т.Зокиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н., доцент.

А.Ғ.Сабирдинов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар
раиси, ф.ф.д., доцент.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида янги инсон қиёфасини тасвирлаш, бугунги ижтимоий муҳитда намоён бўлаётган янги типдаги инсоннинг ҳам ички ҳам ташқи оламини, умуман унинг ўзига хос, концепцияси муаммосини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон олимларининг инсон ҳақидаги илмий-назарий қарашларини умумлаштириш, ҳикоя жанри мисолида умуминсоний ва миллий қадриятларни акс эттиришдаги бадиий-эстетик даражасини баҳолаш ҳозирги адабиётшуносликнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Бадиий адабиётда янги инсон концепциясининг тадқиқи анча аввал бошланган бўлиб, бу борада муайян ютуқлар қўлга киритилган. Аммо глобаллашув, ахборот технологиялар кун тартибда муҳим аҳамият касб этаётган ушбу даврда шаклланаётган янги инсоннинг маънавий олами, шахс эрки ва ҳуқуқи каби қатор масалаларни янгича аспектда ўрганиш муҳим бўлиб турибди. Жаҳон адабиётшунослигида инсон қарашларини турли аспектлардан, хусусан, ижтимоий-фалсафий, психологик, диний, экзистенциалистик, антик, симфоник, ижтимоий-биологик, бадиийлик нуқтаи назаридан тадқиқ этиб келинган, хусусан, ўзбек адабиётшунослигида ҳам бу борада бирмунча ишлар амалга оширилган бўлса-да, ҳозирги ижтимоий тараққиёт адабиётшунослик олдига янгидан янги вазифалар қўймоқдаки, бу борада янги инсон концепцияси тадқиқи муҳим аҳамиятга эгаллиги тадқиқотимизни амалда зарурлигини кўрсатган.

Ўзбек адабиётшунослигида замонавий шахс ва унинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий қарашларини тадқиқ этишга мустақиллик йилларида янгича тамойилларга таяниб эътибор берилди бошланди. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, аввало, инсон руҳи, дунёқараши, интилишларини миллий руҳни сақлаган ҳолда умуминсоний тамойиллар асосида шакллантиришга қаратилган. Айниқса, мустақиллик қўлга киритилгач, адабий қаҳрамон ва унинг тимсолида янги инсон концепциясининг бадиий ифодаланиши кучая борди. Ижтимоий онг шакли сифатида ўзида халқ ўтмиши, бугуни ва келажакни акс эттирадиган ўзбек адабиёти, хусусан, ўзбек насрида юз бераётган эврилишларни илмий жиҳатдан асослаш, образ ва унинг табиатини очиб бериш, бадиий ижод концепциясининг янгиланиш манбалари ва омилларини белгилаш, шу орқали унинг яқин келажакдаги ривожланиш йўлини аниқлаш ўзбек адабиётшунослигининг муҳим вазифалари таркибига киради. «Нега деганда, адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ»¹. Зеро, XX аср охири, XXI аср бошларидаги ўзбек жамиятининг ижтимоий-фалсафий, маиший, маданий ҳаётида шаклланган инсон ўз аждодларидан тубдан фарқ қилади. Уларнинг бадиий адабиётдаги ифодаси ҳисобланган янги инсон образи зиммасига юкланган турлича бадиий-

¹Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. 2017. 4 авг.

эстетик вазифани чуқур тадқиқ этиб, илмий баҳо бериш, хулосалар чиқариш, ўз навбатида, бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ - 3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 28 июлдаги ПҚ – 3160-сон «Маънавий–маърифий ишларни ривожлантириш ва соҳани янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инсон концепциясининг ижтимоий-фалсафий, бадий-эстетик, диний-этник тадрижи барча замонларда тадқиқ этилган. Афлотун янги давлат куриш назарияси, жамиятда ҳар бир соҳа вакилларининг ўрни, вазифаси, давлат ва жамият муносабатлари ҳақида баҳс юритаётиб, янги жамиятдаги инсон концепциясининг қатор тамойилларини санаб ўтган². Арасту эса воқеликни бадий идрок этиш, бадийлик масалалари, образ, характер, адабий тур ва жанрлар ҳақида фикр билдирар экан, инсон концепциясига таянади³. Қадимги Шарқ, жумладан, ўзбек бадий тафаккури тарихида чуқур из қолдирган мутафаккирлар Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Беруний асарларида инсон концепциясининг фалсафий-психологик аспектлари тадқиқ этилган. Тасаввуф адабиётида комил инсон концепцияси пухта ишлаб чиқилган⁴.

Янгича бадий тафаккур нуқтаи назаридан инсон концепциясини ўрганган олим Фридрих Гегель қарашлари сўнгги уч асрдан буён асосий параметрларда етакчилик қилиб келади⁵. XX асрда Зигмунд Фрейд⁶нинг инсон ҳақидаги илмий-назарий қарашлари адабиётнинг кейинги тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатди. Михаил Бахтин эса “инсоний эврилиш – ўзликни англаш билан биргаликда кечишини, инсон концепциясинининг бир неча босқичлари

² Афлотун. Давлат: насрий дoston. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 464 б.

³ Арасту.Поэтика.Ахлоқи кабир.Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. – 400 б..

⁴ Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи.Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. 272 б.;

Тасаввуф: 2-китоб.Тавҳид асрори: – Тошкент: Ғ.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат, 1999. – 208 б.

⁵ Гегель. Эстетика.Биринчи жилд. Рус тилидан М.Абдуллаев таржимаси. – Фарғона, 2011. – 400 б.

⁶ Фрейд Зигмунд. Психопатология обыденной жизни. www.litmir.ru Сайтга 2018 йил. 20.07.да ташриф буюрилди.

борлигини таъкидлайди”⁷. Николай Бердяев эса шахс инсон қобилиятининг бутун маънавий-руҳий устуни, инсонни ижод ва озодлик билан боғловчи инсон концепциясининг асоси деб билган⁸.

Ўзбек адабиётшунослигида инсон ҳақидаги қарашларини ягона концепция доирасида тадқиқ этиш ўтган асрнинг биринчи ярмидан қайта бошланди ва аср ўрталарида юқори босқичга кўтарилди. Хусусан, Матёкуб Қўшжонов Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек асарларидаги инсон ва унинг тасвирида ижодий концепция ҳақида фикр юритган бўлса⁹, Азизхон Қаюмов Навоий ижодида янги инсон концепциясини тадқиқ этган¹⁰. Б.Саримсоқов фикрича “бадий образнинг ўзига хос белгилари, бетакрор кирралари борки, улар адабий турлар, жанрларнинг турли тарихий тараққиёт босқичларида ўзларини турлича намоён этиб келди”¹¹. У.Норматов “Қодирий мўъжизаси” номли монографиясида А.Қодирий асарларидаги янги инсон қиёфасини мустақиллик мафқураси асосида жиддий таҳлил этган. А.Ҳайитметов Алишер Навоий асарларида янги инсон концепциясини ижтимоий-тасаввуфий жиҳатдан таҳлил қилади¹². А.Расуловнинг таъкидлашича эса “ҳар бир замон, миллат адабиёти инсонни қандай нуқтаи назардан тасвирланиши билан бир-биридан фарқ қилади... Ҳозирги илғор жаҳон адабиётида инсонни барча томонларини қамраган ҳолда, бус-бутун акс эттириш йўллари изланмоқда”¹³. Ҳ.Каримов ўтган асрнинг етмишинчи-саксонинчи йиллари насри мисолида ҳаётий ҳақиқат ва инсон концепциясини тадқиқ этган¹⁴.

Й.Солижонов янги инсон образида миллийлик, бадийлик бўлишини шарт қилиб қўйган бўлса¹⁵, М.Муҳиддинов эса “Алишер Навоий ва унинг салафларида инсон концепцияси”ни ўрганганда, асар марказида диний-исломий тамойилларга асосланган комил инсон туришига эътибор қаратган¹⁶. Д.Қуронон ишларида янги инсон концепциясининг бадий ижод концепцияси билан бир тизимга эгаллиги баён қилинган¹⁷. Б.Каримов эса янги инсон концепциясини очиб беришда герменевтик таҳлилга таянган¹⁸.

⁷ Бахтин М. Романда замон ва хронотоп. – Тошкент: Akademnashr, 2015. –Б.77-84.

⁸ 1) Бердяев Н. Жамият ҳаётида сўз ва воқелик. // Жаҳон адабиёти, ноябрь, 2006. – Б.170-177;

2) Бердяев Н.Самопознания. –Москва, 2017.http://www.litres.ru/pages/biblio_book

⁹ 1) Қўшжонов М. Ойбек маҳорати. -Т.: Адабиёт ва санъат.1965;

2) Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат.1988.-232 б.

3) Қўшжонов М.Ўзбекнинг ўзлиги. Тошкент:Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1994. – 136 б.

¹⁰ Қаюмов А. Дилқушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 272 б.

¹¹ Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. –Тошкент, 2004. – Б.8-9.

¹² Ҳайитметов А. Навоийхонликдан суҳбатлар. – Тошкент, Ўқитувчи, 1993. – 216 б.

¹³ Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007. –Б. 27.

¹⁴ Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси (70-80 йиллар): филол.фан.д-ри... дисс. –Т., 1994. – 320 б .

¹⁵ Солижонов Й. Кўзгудаги ҳаёт. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Милий кутубхонаси нашриёти, 2013. – 148 б.

¹⁶ Муҳиддинов М. Алишер Навоий ва унинг салафларида инсон концепцияси. ф.ф.д. диссерт автореф. – Тошкент: 1994, 28 б.

¹⁷ 1) Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent: Fan, 2007. –206 б.;

2) Қуронон Д. Адабий ўйлар. – Тошкент: Turon zamin ziyo. 2016/ -112 б.

¹⁸ Каримов Б. Абдулла Қодирий: Танқид, таҳлил ва талқин. – Тошкент: Фан, 2006. – 232 б.

Шунингдек, М.Холбеков¹⁹, И.Ёқубов²⁰, У.Ҳамдамов²¹, М.Фармонова²², М.Отажонова²³, С.Матякубов²⁴, А.Улуғов²⁵, Ғ.Муродов²⁶ кабилар инсон концепциясини олам, жамият, давр, табиат билан биргаликда, яхлит тизим сифатида тадқиқ этишган. Уларда янги давр ва янгича бадий-эстетик тамойиллар асосидаги инсон концепциясининг турли қирраларини очишга ҳаракат қилинган. Қ.Қахрамонов эса Абдулла Қаҳҳор ижодидаги образларни концептуал жиҳатдан тушунишга ҳаракат қилган²⁷. А. Сабирдинов А. Қаҳҳор ва Ойбек ижодидаги инсон концепциясини қиёслаб берган²⁸.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек адабиёти” йўналишида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади истиқлол даври ўзбек насрида янги инсон образининг шаклланиши, ўзига хос қирралари ва янги инсон концепциясига хос ижтимоий-психологик жиҳатларини Абдуқаюм Йўлдошев ва Зулфия Қуролбой кизи ҳикоялари мисолида очиб беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

адабиётшуносликда инсон концепциясининг шу пайтгача яратилган тарихий асослари ва ижтимоий омилларини ўрганиш ва тизимлаштириш;

замонавий ўзбек ҳикояларидаги персонажларнинг турли масала ва муаммоларни тушунишлари, қабул қилишлари жараёни ҳамда субъект сифатидаги вазифаларига бўлган муносабатларини очиб бериш;

турли муҳитда яшаган персонажлар зиммасидаги бадий-эстетик вазифасини аниқлаш, унинг ҳар хил қиёфада акс эттирилишини тадқиқ этиш, бунда ижодкорларнинг индивидуал маҳорати ва образнинг бадий мантиғини илмий жиҳатдан асослаш;

ёзувчилар ижодида янги инсон концепциясининг акс эттирилиши, бунда уларнинг фарқли ҳамда ўхшаш томонларини кўрсатиш, шу орқали инсон концепциясини шакллантиришдаги ижодкорларнинг индивидуал услубини аниқлаш;

¹⁹ Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари: мақолалар тўплами. – Тошкен: Mumtoz so‘z, 2014 – 388 б.

²⁰ Якубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. Фил.фан. док. (DSc) дис. автореф. –Т.: 2018 - 72 б.

²¹ Ҳамдамов У. XX аср ўзбек шеърини бадий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Фил.фан. ... док. (DSc) дис. автореф. –Т.: 2017 - 72 б.

²² Фармонова М. 80-йиллар ўзбек лирикасида табиат ва инсон концепцияси. Фил.фан.ном. дис. автореферати. - Т.: 2009 - 24 б.

²³ Отажонова М. Иззат Султоннинг сўнги йиллар драматургиясида замон ва қахрамон концепцияси. Фил.фан. ном. дис. автореферати. - Т.: 2008 - 24 б.

²⁴ Матякубов С..Ҳозирги ўзбек ҳикояларида инсон концепцияси ва шахс бадий талқини. Фил.фан. ном. дис. автореферати. - Т.: 2009 - 24 б.

²⁵ Улуғов А. Адабий қахрамон қадр // Ўзбек адабий танқиди. – Тошкент: Turon-Iqbol, 2011. – Б.462-476.

²⁶ Муродов Ғ. Тарихий романнинг муштараклик ва ўзига хосликлар уйғунлиги муаммолари. Фил.фан.док. (DSc) дис. автореф. –Тошкент, 2018. – 80 б.

²⁷ Қахрамонов Қ. Тушуниш тамойили // Шарқ Юлдузи, 2009,№3. – Б.165-167.

²⁸ Сабирдинов А. Маънавий ва маърифат чашмалари. – Тошкент: Академнашр, 2016. – Б. 76-86.

замонавий ҳикояларда яратилган янги инсон образларини таснифлаш, таърифлаш ҳамда замонавий қаҳрамоннинг реал воқеликдаги инсонлар билан қиёсан тадқиқ этиш;

янги инсон образи ва унинг бадиий асардаги моҳиятини очишда қаҳрамоннинг ижтимоий-психологик вазифасини бадиий асар доирасидаги персонажлар билан муносабати асосида таҳлил этиш;

бадиий асар тузилиши ва воқеликни бадиий ифодалашнинг усул ва йўлларида инсоннинг янги қарашларини ифодалашда фойдаланиш маҳоратини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Абдуқаюм Йўлдошев ва Зулфия Куролбой қизининг ҳикоялари олинди. Кези келганда янги инсон концепциясини илмий жиҳатдан асослаш учун яратилган даврдан қатъи назар мазкур муаммо тадқиқи учун яхши материал берадиган асарлар қиёсланди.

Тадқиқотнинг предметини ўзида янги инсон концепциясини ифодаловчи образлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда генетик, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал-поэтик, бадиий таҳлил, тавсифлаш ва таснифлаш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инсон концепцияси адабиётшуносликнинг ўзак масалаларидан бири сифатида узоқ тарихий асосга эга эканлиги ўзбек халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёт намуналари асосида исботланган;

ўзбек бадиий-эстетик тафаккурида инсон концепциясининг тараққиёт йўли ўзбек халқ оғзаки ижоди, мумтоз Шарқ адабиёти, Ғарб адабиёти ва ёзувчиларнинг бадиий-эстетик фикрлашлари мисолида асосланган;

замонавий ўзбек ҳикоячилигидаги янги инсон концепцияси собиқ тузум даврида яратилган инсон концепциясидан тубдан фарқ қилиши, унинг ўша давр мафқурасида ижобий қаҳрамон сифатида бир ёқлама образлар билан таққосланганлиги аниқланган;

ёзувчилар бадиий нутқнинг муаллиф, персонаж, ровий сингари кўринишлари ёрдамида жамиятимизда юз бераётган эврилишлар, инсонларнинг бадиий-эстетик идеалидаги ўзгаришларни тўғри ва холис баҳолаганлиги далиллар ёрдамида асосланган;

замонавий ҳикояларда диний- мистик анъаналар билан бирга бадиийлик концепцияси асосида янгича хаёлий, фантастик қарашларга эга инсон образи шаклланганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мустақиллик даври ижтимоий-эстетик тафаккуридаги ўзгаришларнинг янги инсон қиёфасини яратиш масаласи билан боғлиқ хусусиятлари замонавий ўзбек ҳикоячилигида шаклланиб келаётган янгича қаҳрамон ва унинг турмуш тарзи мисолида ёритилган;

ҳикоялардаги образ ва образлиликнинг персонаж ижтимоий-психологик ҳолатини асардаги бадиий-эстетик модуслар, поэтик композиция, ёзувчиларнинг индивидуал услуби ва бадиий ифодаси нуқтаи назаридан келиб чиқиб очиб берилган;

глобаллашув жараёнидаги жамият кишисининг руҳияти тасвири бўйича ижтимоий-фалсафий, диний-мистик, хаёлий-фантастик тасвирлар бўйича бадиий-фалсафий, назарий-типологик, структурал-семантик хулосаларга келинган ва ҳикоя бадииятидаги янгилашларда кўрсатилган;

янги бадиий олам яратишдаги илғор тамойиллар, миллий тафаккурга хос хусусиятлар ҳамда жаҳон адабиётининг илғор ютуқлари олам ва одам муносабатларидаги бадиий-фалсафий эврилишлар кўлами, даражаси мисолида аниқланган;

ҳикоялардаги инсон ва унинг дунёни англаш жараёнида тафаккурида юз берган ўзгаришлардан ижодкорларнинг поэтик топилмалари учун асос бўлгани ўз тасдиғини топган;

яратилган образлар мисолида замонавий ўзбек адабиётидаги қаҳрамон ва унинг бошқалардан фарқ қилувчи бадиий-эстетик олами яратилгани исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларни қиёслаш, ўзбек ва жаҳон адабиётининг турли даврларига оид манбаларга таянилгани ҳамда ўзининг илмий исботини топгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, изланиш хулосалари нафақат ўзбек насрининг ҳозирги даври, балки ўзбек бадиий тафаккури ва бадиий-фалсафий, ижтимоий-психологик фикрлаш тарзида юз берган ўзгаришлар ҳақидаги билимларни тўлдиради ва кенгайтиради. Ҳикоя жанрининг шаклий-мазмуний бирлиги ҳақидаги қарашлар адабиётшунослик назарияси, адабий танқид тарихи, ҳозирги адабий жараён фанларининг ривожланишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Абдуқаюм Йўлдошев ва Зулфия Қуролбой қизининг образ яратиш маҳорати, уларнинг фалсафий-психологик омиллари, манбалари, ҳикоя жанри табиати, тили ва образлар тизими ҳақидаги қарашлари янги ўзбек адабиёти, адабиётшунослик назарияси, ўзбек адабий танқидчилиги тарихи, назарий поэтика каби фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукаммаллашувига хизмат қилади. Эълон қилинган илмий мақолалар адабиётшунослик фанларини ўқитишда қўшимча манба сифатида ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий ўзбек ҳикояларидаги янги инсон концепцияси Абдуқаюм Йўлдошев ва Зулфия Қуролбой қизи ҳикоялари мисолидаги тадқиқи, бадиият муаммоларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ёзувчилар бадиий нутқнинг муаллиф, персонаж, ровий каби кўринишлари ёрдамида жамиятимизда юз бераётган эврилишлар, инсонларнинг бадиий-эстетик идеалидаги ўзгаришлар тўғрисидаги хулосалардан Ф1 – 02 рақамли фундаментал тадқиқотда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил декабрь ойидаги 89-03-4168 - маълумотномаси). Натижада, “XX-XXI асрлар бўсағасида ўзбек адабиётшунослиги” бўлими замонавий ўзбек ҳикояларидаги янги инсон концепцияси масалалари билан бойиди.

замонавий ўзбек ҳикоячилигидаги янги инсон концепциясига оид қарашлардан ОТ-А1-46 рақамли грант лойиҳада фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил декабрь ойидаги 89-03-4158-маълумотномаси). Натижада “Адабиёт назарияси асослари” дарслигини яратишда ҳикоялардаги янги инсон образи ва уларнинг таҳлилига оид қарашлар билан бойитилди.

диссертация илмий натижалари асосидаги илмий янгиликлардан Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи фаолиятида фойдаланилган (Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг 2018 йил 23-октябрдаги 149 - маълумотномаси). Натижада “Ҳужжатлар ва қўлёзмалар” фонди замонавий ўзбек ҳикоялари таҳлили, янги инсон концепцияси ҳақидаги маълумотлар билан бойиди.

“Замонавий ўзбек насрида янги инсон концепцияси”(Абдуқаюм Йўлдошев ва Зулфия Қуролбой қизи ҳикоялари асосида) тадқиқи бўйича эришилган натижалардан Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг 2017-2018 йилларда “Зиё сари”, “Борингизга шукр”, “Интервью” кўрсатувлари сценарийсини яратишда кенг фойдаланилган (Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг 2018 йил 24 октябрдаги 645 - маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув ва эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 15 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза кўринишида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 1 таси хориж журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Умумий ҳажми 155 саҳифадан иборат.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилиб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, эълон қилинган ишлар ва тадқиқотнинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Ишнинг биринчи боби “**Ўзбек бадий-эстетик тафаккурида инсон концепцияси**” деб номланиб, унда тадқиқот мавзусининг илмий-назарий, илмий-тарихий асослари ва замонавий ҳикоячиликдаги инсон концепцияси илмий муаммо сифатида икки фаслда тадқиқ этилган. “**Янги инсон**

концепциясининг назарий асослари ва ижтимоий омиллари” деган биринчи фаслда замонавий дунёда инсоният олдида турган энг катта муаммо, яъни глобаллашув жараёнида ҳар томонлама етук, баркамол инсонни тарбиялаш, олам ва одам, одам ва одам муносабатларининг ўзига хос қирраларини кашф этиб борилиши ҳамда мазкур муаммони турли йўналишларда ўрганилиши мумкинлиги ҳақида сўз юритилади.

“Концепция”²⁹ ибораси англаган тушунча кенг қамровли бўлиб, уни фалсафа, психология, эстетика, табиатшунослик, сиёсатшунослик каби фанларда ҳам учратиш мумкин. Бунда муаммога ҳар бир фан ўзининг специфик хусусиятидан келиб чиқиб ёндашади. Тадқиқотда бадиий адабиётда яратилган образларнинг инсон тимсолида янги ҳодиса эканлигини илмий жиҳатдан асосланилди.

Аввало, ҳар бир ижтимоий шароитда янги қаҳрамон, янги образ яратишнинг кун тартибига чиқиши учун аниқлик киритилади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мустақиллик қўлга киритилгач, адабиётимизда ҳам янгича фикрлайдиган, янгича дунёқарашга эга одамлар тасвирлана бошланди. Демак, бугунги ўзбек адабиётидаги янги инсон концепциясининг етакчи ижтимоий асоси миллий мустақиллик бўлди.

Фаслда инсон концепцияси умумфалсафий категория эканлиги ҳамда “Авесто” маданий ёдгорлик сифатида ўз давридаги янги инсон қандай бўлиши ва бунинг учун нималарга эътибор қилиниши лозимлигини уқтириб келгани ҳақида профессор Н.Жўраевнинг фикрлари келтирилади. Сўнгра Афлотун “Давлат” асарида янги давлат қуриш назарияси, янги жамиятда одамларнинг вазифалари, халқ ва давлат ўртасидаги муносабатлар, Арасту эса шоирнинг воқеликка муносабати ва образ ҳақидаги фикрлари бадиий оламдаги инсон ва унинг қарашлари хусусида эканлиги таъкидланади.

Ўрта асрлардан бошлаб Шарқ адабиётшунослигида Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби мутафаккирлар томонидан ҳам ўз давридаги янги инсон ва унинг қарашлари ҳақида қимматли ғоя ва фикрлар баён қилинганлиги айтилиб, Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” асари келтирилади. Алишер Навоий асарларидаги янги инсон концепцияси А.Ҳайитметовнинг “Ҳайратул-аброр” достонида “ўз даври учун зарур бўлган ижтимоий-сиёсий ёки ахлоқий проблемани қўяди, уни ўз давридаги ҳаётдан, ижтимоий табақаларнинг аҳволидан келиб чиқиб чуқур ва атрофлича таҳлил қилган, унга ўз гуманистик муносабатини билдиради” деган фикри билан мустаҳкамланади. А.Қаюмов ва Б.Валихўжаевларнинг Алишер Навоий талқинидаги комил инсон концепцияси бугунги янги инсон концепциясининг асоси сифатида олиниши мумкин, деган тўхтамага келинади.

Европа адабиётида янги инсон концепцияси маърифатпарварлик адабиёти, сўнгра, Фридрих Вильгельм фон Гегель, Артур Шопенгауэр, Фридрих Нитше, Николай Бердяев тамойиллари асосида шакллангани айтилади. Уларда эстетик идеал сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган, ўз қалби ва ҳаётини мақсадлари мувофиқ келадиган инсонни ўртага чиқариши тилга олинади.

²⁹ Концепция [lat. conceptio] –1) қарашлар тизими, ҳодиса, жараёни у ёки бу тарзда тушуниш; 2) бирор асар, илмий иш ва шунга ўхшаш нарсаларнинг ягона, етакчи, асосий ғояси, аниқловчи фикри.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб ўзбек бадиий адабиётида инсонни тасвирлаш, асосан, ғоявий нуқтаи назардан келиб чиқиб, салбий ёки ижобий, яхши ёки ёмон, бой ёки камбағал дея ажратилиши ва Отажон Ҳошимовнинг “Жадид адабиёти тўғрисида”ги мақоласи хусусида сўз боради.

Шундай бўлса-да, зиёлилар ҳаракати билан XX аср бошларида бадиий адабиётда бутунлай янги инсон концепциясини яратишга асос солинди. Хусусан, Абдулла Қодирий яратган янги инсон концепциясини академик М.Қўшжонов тўғри кўрсатган. Мустақиллик даври ўзбек адабиётидаги янги инсон концепцияси ҳақида сўз юритган У.Норматов, Ҳ.Болтабоев, М.Холбеков, Д.Қуронов фикрларига муносабат билдирилади.

Профессор Й.Солижоновнинг “одамзоднинг иқтисодий бўронлар уммонидаги сузиш қийинчиликлари, чўкиш азоби, иккиланиш, бемақсад қулоч отишларини реал тасвирлашдан ўзини тийган адабиёт аҳли янги асрнинг илк йилларидан бошлаб, бу мавзунини жиддий ишлашга киришди. Бозор ва инсон тақдирини кейинги йиллар ўзбек насрининг энг кўп ишланаётган муаммосига айланди” деган фикри асос сифатида қабул қилинади. Фаслдаги илмий муаммо якунида “янги инсон концепцияси” узоқ тарихий асосларга эга бўлиб, бу жараён маълум ижтимоий-иқтисодий асослар, омиллар ўзгарганда юз беради ва бадиий адабиётда ўзига хос изини қолдиради, деган хулосага келинади.

Бобнинг иккинчи фасли **“Замонавий ўзбек ҳикоячилигида қахрамон муаммоси”**га бағишланиб, янги бадиий-эстетик муҳит шаклланишида янги қахрамон, янгича фикрлайдиган инсонга бўлган эҳтиёж ва унинг бадиий адабиётдаги ифодаси ҳақида сўз юритилади. Бунда ҳикоя жанрининг хусусияти тўғрисидаги И.Султон, А.Раҳимов, Й.Солижонов, Д.Қуроновларнинг илмий-назарий қарашлари методологик асос сифатида олинади ва А.Йўлдошевнинг “Шом”, “Сўқир”, “Эътироф” ҳикоялари қахрамонларнинг ҳаётини идеалларга талпиниши, виждон, ақл-идрок ва чин инсоний тамойиллари асосида яшашга интилиши таҳлилга тортилади.

Фасл сўнгида А.Йўлдошевнинг ҳикояларидаги қахрамонлари дардларини ичига ютиб кун кечирishi, ўз ғам-ташвишлари қуршовида дунёни унутиши, ҳақиқий бахтга етиб бўлмаслигидан азобланиши хулоса сифатида берилади.

Диссертациянинг иккинчи бобида **“Ҳикоя жанридаги инсон концепциясининг асосий хусусиятлари”** персонажлардаги миллийлик, мутелик психологияси ва улуғворлик каби хусусиятлар тадқиқига бағишланган. Бобнинг **“Миллий асосдаги янгича образлар”** дея номланган биринчи фаслида миллий, диний қадриятлар, узоқ тараққиёт даврида аждодлардан ўтиб келган қатор тушунча ва қарашлар янгича шаклда жонлана бошлагани, шу тариқа инсон моҳияти мустақиллик йилларида янгича концептуал нуқтаи назардан бадиий акс эттирила бошлангани таъкидланади.

Зулфия Қуролбой қизининг “Ажал чорлови”³⁰ ҳикоясининг сюжет–композицион қурилиши, образдаги бироз ғайритабиийлик янги инсон ҳақидаги қарашлар тизими ўзгарганига яққол мисол бўла олади. Асар бошидаёқ Мулла

³⁰ Зулфия Қуролбой қизи. Ёвузлик фариштаси.– Тошкент: Янги аср авлоди. 2005. – Б. 112.

Ашур тимсолида биз одатланган одам эмас, бошқа шахс қиёфасини шакллантиришга ҳаракат қилингани таъкидланиб, илмий исбот этилади.

Муаллиф халқ афсоналарида яшаб қолган ғайритабиий одам қиёфасини янги жамият қарашлари асосида қайта ишлаб тасвирлаган. Бунда мумтоз адабиётдаги анъанавий образ зиммасига янги мақсад юкланган. Бу, аввало, ҳар тўқисда бир нуқсон тамойили асосида, ҳамма нарса маълум бир мувозанатда, илоҳий қонуният асосида юритилади, деган мақсад бўлса, иккинчидан, одам бир умр интилган, бахт ва шодлик, умрининг мазмуни деб билган идеалини ўлим қиёфасида кўриши, ҳамма кўрқадиган ўлим фариштаси аслида фаришта, фаришта эса гўзаллик тимсоли эканлигини уқтиришда кўринади.

Замонавий ўзбек ҳикоячилигида инсон руҳиятидаги ўз-ўзидан қоникмаслик, ўз ҳаётини аъмолини бажаришга интилиш ва бошқа қатор умуминсоний вазифалар шахс психологиясида эътиқодий одоб-ахлоқ тушунчаларини ҳам ўзгартиришга қодир даражада янгича қиёфа касб этиши мумкинлиги акс этирилган. Бир қарашда бу катта фожеа, ҳаёт тугаши билан баробар ҳодиса, бироқ унда инсон моҳияти ва улуғворлиги ҳам яширин эканлигини кузатиш мумкин. Ана шу хусусияти билан мулла Ашур сирлилик ва улуғворлик касб этади.

Ёзувчи ўзининг ижтимоий-эстетик ва психологик қарашларини илгари сураб экан, қисман мистик, қисман реалистик позицияда намоён бўлади. Шу ерда мазкур ҳикоядаги мулла Ашурнинг ўз-ўзидан қоникмаслик, бахтга етишолмаслиги, армон билан ўтиши “О, ҳаёт” ҳикоясидаги Назар чолга яқин туриши таъкидланади ва аниқ мисоллар ёрдамида исбот этилади. Зулфия Қуролбой қизи Назар чолнинг бошқаларникига ўхшамайдиган дунёқарашини, ҳаётга, яшашга бўлган интилишини турли воситалар орқали очиб бериши кўрсатилади. Образга Назар деб исм берилишида ҳам, унинг ўзига ҳос қараш-назарига ишора борлиги, Назар чол орқали ёзувчи Сизиф образига ҳос абсурдни, тошни тепага қайта-қайта олиб чиқиш учун пастга тушиш жараёни, ҳаётнинг ўзидир, деган ўша абсурддек туюлган фикри орқали, инсон ҳаётига кирадиган маъни ҳақидаги янгича қарашларни сингдириб юборган. Яъни фикр юритиш, тафаккур, идрок инсонни онгсиз маҳлуқлар қаторидан одамга, инсонга олиб чиқди. Лекин кейинчалик турли ақида ва қарашлар, маълум вақт ва замон доирасидан ўтмайдиган нисбатан чекланган қарашлар инсон имкониятини пасайтирди, фикр доирасини тораитирди. Сизиф ҳам, Назар чол ҳам мангуликка татийдиган маънисизлик оғушида кечаётган инсон ҳаёти моҳиятини англаган образлар сифатида ўзига ҳос маъни-моҳиятга эга. Улар учун мангу яшаш бемаъни эканлигидан кўра, билимсизлик, лоқайдлик, дунёни англамай яшаш фожеа эканлигини англаш муҳим ҳисобланади.

Ёзувчининг “Рашк”³¹ ҳикоясида эса садоқати, ўз бахти ва қувончини оиласи учун фидо этган ўзбек аёлининг тимсоли янги давр нуқтаи назаридан таъсирли акс этирилган. Фасл охирида Зулфия Қуролбой қизи ҳикояларида янги инсон концепциясининг уч шакли кўрсатилган. Мазкур образлар наср

³¹ Зулфия Қуролбой қизи. Қадимий кўшик: ҳикоялар. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2012.

бадиияти ва бадий яхлитлиги аспектида бир-бирини тўлдириб ёзувчининг ягона бадий эстетик концепциясини шакллантиради.

Бобнинг иккинчи фаслида **“Инсон табиатидаги мутелик ва улуғворлик”** муаммоси ўрганилган. Жамиятдаги, шу жумладан, инсон руҳиятидаги эврилишлар тарихий тараққиётнинг кескин бурилиши, хусусан, бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш даврида инсон концепциясининг қамровини кенгайтиради. Дарҳақиқат, бир ижтимоий-сиёсий концепция амалда тугаб, ўрнига янгиси шаклланиши жараёнида қудратли икки тўлқин каби инсон концепциялари тўқнашади. Хусусан, А. Йўлдошевнинг “Виждон” ҳикоясида одамларга бўлган ишонч, меҳр қай даражада сўниб бориши, виждоннинг емирилиши батафсил баён қилинади.

Аслида инсон концепциясида шахс, жамият ва маънавият тушунчалари етакчи ўринда туради. Бу фалсафий тушунчаларни бир-бирисиз қўллаш инсон концепциясини парчалашга олиб келади. Асардаги зинадан кўтарилаётган ва эшикка суяниб, уйга кирмоқчи бўлган образ аниқ ифодаланмайди, балки ровий нутқи орқали унинг ялангоёқ эканлиги, тунда келиши, кўзлари ўткир эканлиги, уйга кирмоқчи бўлганлиги, одамлардан қочиши каби хусусиятлари берилади. Уларни ровий-персонаж ўзлиги ёки виждони деб олишимиз мумкин.

Бегонасираш, одамлардан қочиш шахс ўзлигини англаши, одамлар олдида ўзидаги турли қусурлардан уялиши, ўзини покиза тутишга интилиш билан боғлиқ. Бунинг учун, аввало, одам ўзининг асл мақсадини ва айни пайтдаги ҳолатини тушуниши лозим. Асардаги асосий қаҳрамон қўрқинини таъкидлагандан кейин бу каби эҳтиёткорликни, мутеликнинг сабабларини излай бошлайди. Жамиятнинг ўзак қадриятларини, шахс маънавиятини емираётган қатор иллатлар санаб ўтилади. Улар ўрнига янгича фикрлайдиган инсонни яратиш заруратини бадий асар тағзамирига сингдириб юборади.

Собиқ тузум давридаги фожеалар янги жамият шаклланишидан олдин янгича фикрлайдиган инсон образини яратиш муаммоси сифатида маълум тарихий бутунликдан ажраб қолган инсон қисматини идрок этиш орқали ифодаланган. Мисол учун А.Йўлдошевнинг “Қудуқ”³² ҳикоясини келтириш мумкин. Унда инсонга қўл остидаги иккинчи даражали буюм сифатида қаровчи, муте фикрловчи, мустамлакачилар етовида бутун бошли қишлоқни йўқотувчи одамлар тасвири устунлик қилади. Мутелик халқни ҳалокатга олиб борадиган йўл эди. Мустақил фикр юритмаслик, айнан фикрсизлик, нафс йўлида фақат ўз ҳузури ва фойдаси учун, тириклик учун яшашни тақозо қилади. Бундай одамлар ўргатилган, ишончли робот каби ишлаб, эвазига ҳеч нарса талаб қилмас эди. Улар бир томондан Ч.Айтматов романидаги манкурт образига ўхшайди. Фарқи: унинг бошига хом тери кийдирилмаганидир.

Ҳикоя Тиркаш муаллимнинг қизи қудуққа тушиб вафот этиши баҳонаси билан унинг оилавий аҳволи педагогик кенгашда муҳокама қилинади, директор туман газетасида милиционернинг мақоласини мактаб жамоасида ишлаб чиқдик, деган маълумот учун Тиркаш муаллимнинг дардини яна янгилайди. Гўё меҳрибонлик кўрсатган киши сифатида Тиркаш муаллимнинг дарсларини

³² Йўлдошев А. Пуанкаре: ҳикоя ва қиссалар. – Тошкент: Akademnashr, 2014. - Б. 15

бошқалар бўлиб олишади. Тиркаш муаллим бўш қолиб, ўз фожеаси, дардига янада чуқурроқ ботиб бораверади. Жамиятдаги сохта “инсонпарварлар” эса мақолани вилоят газетасида қайта бостиришади. Сабоҳатнинг ўлими энди нафақат Тиркаш муаллим, балки бутун қишлоқ учун фожеага айланади. Совхоз директори тепадагилар буйруғи билан қишлоқдаги барча қудуқларни ёптириб ташлайди. Қишлоқ сувсиз қолади. Ваҳима, кўрқув, ҳадик, умидсизлик одамлар қалбини кемирар эди. Одамлар бу фалокатнинг бош айбдори сифатида Тиркаш муаллимни кўра бошлашади. Ҳатто Марви хола Тиркашнинг уйи олдига келиб, овозини баралла қўйганча қарғайди. Бу собиқ тузумнинг халқ ичидан моҳирлик билан душман яшаш усулининг бадий ифодаси эди. Жамиятда эса маънан кашшоқ, калтабин, худбин кимсалар, калтабин раҳбарлар нима деса, шунга ишонадиган кишилар яхши кун кўрар эди, холос. Бу том маънодаги мутелик психологияси билан яшаган одамлар жамоаси эди. Улар муаммонинг моҳиятини англолмай, оломонлик фалсафасининг қурбонига айланишади. Ёзувчининг асосий мақсади янги инсон концепциясини яратиш зарурлигига эътиборни қаратиш кераклигини таъкидлар экан, буни “Қудуқ”³³ ҳикоясида самарали амалга оширди. Ижодкор фикрича, маънавий дунёси тор одамлар жамиятни бошқариб, уни фалокатга олиб келди.

Изланишлар давомида насрда, хусусан, ҳикояда одам ва оламнинг ташқи белгиларини ички хусусиятлар билан яхлит ҳолда ифодалаш кучайиши натижасида аввалги даврга нисбатан янгича инсон образи яратилганига гувоҳ бўлдик. Зулфия Қуролбой қизининг “Аёл” ҳикоясидаги Назокат тимсолида аёл жасорати, матонати, иродаси, қалб гўзаллиги ва руҳий тетиклигини кузатиш мумкин. Асар етти қисмдан иборат бўлиб, унда тузалмас касалга чалинган аёлнинг ўлим олди ҳолати тасвирланган. Бу ерда бироз романтикага берилиш ҳам бор. Бироқ романтика ҳам инсон қалбидаги юксак пафоснинг белгиси сифатида образ моҳиятини очиб беради. Ҳикояда аёл ва қуёш тушунчаси янги бир контекстда реаллашади ва борлиқнинг яхлит модели сифатида акс эттирилади. Аёл ҳаётга чанқоқ, меҳрга тўлалиги билан зулмат, йўқликка қарши курашишга интилади. Гўзаллик, бадий-эстетик идеал аслида тирикликда эканлигини англапти.

Зулфия Қуролбой қизи бошқа ҳикояларидан фарқли равишда, бу ерда аёл ва нурни ўзаро муштаракликда тасвирлар экан, руҳий параллелизм усулини самарали қўллайди. Тўғри, ҳикояда пейзаж, портрет, антитеза усуллари ёрдамида инсон ва унинг ўзига хос қиёфасини улуғворлик билан ифодаланади. Ёзувчи қуёшнинг улуғлиги, қудрати, ҳаётбахшлигини тасвирлар экан, Назокатнинг матонати, иродасини ҳам тасвирлашга эътибор қаратди. Шу ўринда айнан руҳий параллелизм воситасидан фойдаланди.

Назокат образи ўзининг матонати, иродаси, гўзалликни теран ҳис этиши, қуёшни яхши кўриши ва ҳатто ўлим олди ҳолатлари билан Эрих Мария Ремаркнинг “Уч оғайни” романидаги Патрицияга яқин келади. Патриция ҳам тузалмас касалга йўликқан, у ҳам ўзини қуёшга тоблайти (касаллик хусусиятидан келиб чиқади), у ҳам йигитга хунук кўринмасликка тиришади ва уни ўз олдига киритмасликка интилади, доимо упадон ва кўзгу олиб юради

³³ Ёўлдошев А. Пуанкаре: ҳикоя ва қиссалар. – Тошкент: Akademnashr, 2014. - Б. 15

(Назокатда кўзгу йўк), уларни ёстиғини остида сақлайди, охирги куни йигитдан унинг олдига энди келмасликни сўрайди. Ҳар иккала аёл ҳам ҳаётга тўймасдан, анча эрта вафот этади. Иккиси ҳам ҳаётни севади. Иккаласи ҳам мудҳиш касаллик олдида руҳан тушкунликка тушмайди. Демак, Зулфия Қуролбой қизи мазкур асари билан ўзбек ва дунё адиблари даражасига чиққан дейиш мумкин.

Ёзувчи ҳикояларида аёл садоқати, унинг оила, ўз фарзандлари учун курашишининг ўзига хос усуллари учратиш мумкин. Аёл психологияси ва ундаги ҳеч ким тушунмайдиган, фақат унинг ўзигина англайдиган тушунча, тамойиллар “Келин” ҳикоясида илгари сурилади. Ҳикояда замонавий мавзу, маиший муаммо олиб чиқилган. Ҳаммага таниш воқеалар ифодаланган. Бир қарашда асар марказида Муслим кампир бош образдек туюлади. У асарнинг бошида ҳам Холдор келинини алқаб, ундан миннатдор ҳолда тасвирланади. Ҳикоя охирида эса Холдор келинни кундошликка кўндиришни ўйлаган ҳолда қолади. Аслида воқеалар марказида Холдор келин туради.

Бадиий асарда ҳар бир сўз шунчаки айтилмайди, ундаги асосий мақсад сўздан деталга, деталдан образга, образдан эса фикрга қараб ўсиб, ўзларининг мазмуний қатламларини босқичма-босқич кенгайтириб боради. Натижада олдимизда аёл психологияси, аёл матонати ҳақидаги бадиий асар шаклланади. Холдор келин шахси озод, руҳи тетик, имони мустаҳкам, ўз оиласига садоқатли аёл сифатида анчайин юксак даражада туради. У эрининг қилиқларини билади, шунда ҳам уни қоймайди, жанжал кўтармайди, иш билан юргандир, дея Муслим кампирга далда беради. Кўнглининг вақтинчалик нағмаларига учиб, Ойгулга кетиб қолган Файзимурод уни сен молга қараб юравер, дея қаттиқ камситганда ҳам ўзини дадил тутганча, қиёфасини ўзгартирмайди. Тўғри, у идеал даражадаги аёл эмас, у Ойгулдек ширинсўз, одамнинг ичига кириб кетадиган даражада тилёғлама ҳам эмас. Лекин унинг аниқ мақсади, қатъий иродаси бор. Идеал образ, замонавий қаҳрамон масаласи кенг муҳокама қилинаётган бугунги кунда айнан Холдор келиндаги фидойлик, садоқат, камсуқумлилик олий қадрият сифатида янгича инсон концепциясида марказий ўринни эгаллайди. Ўз бахтини бошқалар билан бўлишиш аёл тугул ҳар қандай одам учун ҳам осон иш эмас. Бироқ Холдор келин бағрикенглик ва сабр-тоқатлиликни, оилавий садоқатини намоён этиб келади. Чунки у билადики, тўрт фарзанди бир куни улғайиб, унинг орзу-умидлари ушалади. Ўша кунлари фарзандлари олдида юзлари шувут бўлган Файзимуродни ҳам тасаввур қила оладиган даражада ақлли. Файзимуродни ана шу ҳолатга олиб келмаслик учун ҳам у фидойлик қилди, жасорат кўрсатди. Ёзувчи ўзбек халқи бадиий тафаккурига мос равишда ҳар қандай ҳолатда ҳам оила қадриятини, фарзандлар келажagini ўйлаб яшайдиган аёл образининг замонавий талқинини беради. Холдор келин гарчи содда, гарчи камсуқум бўлса-да, аввало, у – она, яъни миллат олдида турган муҳим масалаларни енгил-елпи ҳал қиладиган одам эмас, балки оила келажакда бугунгидан янада яхшироқ бўлиши, фарзандлари отаси ҳақида нотўғри фикрга бормасликлари учун, соғлом фикрлашлари, руҳан тетик бўлиб улғайишлари учун ҳам сабр қилишга ва шу орқали ўз матонатини исботлашга мажбур.

Биз фаслда таҳлил қилган ҳар бир бадиий асар ўзи мансуб давр ва макон, яъни конкрет ҳаёт ҳақидаги қатъий ҳукм саналиб, образ ва уларнинг

ҳаракатлари, тўлақонли ифодаланиши инсон ҳақидаги қарашларимизнинг яхлит ҳолда шаклланишига ёрдам беради.

Учинчи боб **“Персонажлар онгидаги эврилишлар ифодаси”** деб номланган. У ҳам ўз навбатида 2 та фаслга ажратилган бўлиб, биринчи фасл **“Инсон тафаккурининг шаклланиш жараёни ва ёзувчи маҳорати”** деб аталган. Аввалги фаслда ҳар қандай образ маълум бир бадиий-эстетик қараш, умуминсоний концепцияни ўзида намоён этиши ҳақида сўз юритилади. Мазкур талабдан келиб чиқиб, Абдуқаюм Йўлдошев ва Зулфия Қуролбой қизи ҳикояларини кузатиш давомида улар ўртасидаги фарқларни аниқладик. Бу фарқ, аввало, икки ёзувчининг воқеликни тушуниши ва бадиий ифодаланишида кўринади. Жумладан, Абдуқаюм Йўлдошевнинг аксарият ҳикоялари тузилишида фасллар сони турлича берилади. Масалан “Виждон” ҳикояси 2 фаслдан иборат бўлса, “Бой” 3, “Қудуқ” 4, “Биз бўлмаган жойларда” 5, “Айбдор” 7, “Пуанкаре” 9 та фаслга ажратган. Зулфия Қуролбой қизининг “Тафаккур” асаридан бошқа барча ҳикояларида эса бундай ҳолатни деярли кўрмаймиз. Иккала ижодкор ҳам замонавий мавзуда қалам тебратгани ҳолда воқелик ифодасида ўзига хос йўлдан боради. Бу ҳар иккала ижодкорнинг индивидуал услуби ва ифода тарзи мавжудлигидан дарак берса, улар яратган образларнинг ҳам ўзига хос концепцияга амал қилиб яратилинганига ишора бор.

Фаслда А.Йўлдошевнинг “Пуанкаре”³⁴, Зулфия Қуролбой қизининг “Тафаккур” ҳикоялари ўзаро қиёсий таҳлилга тортилган. Унда У.Норматов, Д.Тўраев, Й.Солижонов, Ш.Ризаев каби адабиётшуносларнинг мазкур асарлар бўйича фикрлари асосида янги инсон концепциясига тааллуқли фикр-мулоҳазалар илгари сурилади.

Асар номи эса XIX аср охири XX аср бошларида яшаган буюк француз математиги, математик-физика, квант физикаси соҳаларининг кашфиётчиси Анри Пуанкаренинг мантиқ интуицияга асосланиши ҳақидаги машҳур гипотезасидан олинган. Ҳикояга биринчилардан бўлиб У.Норматов муносабат билдирган. Профессор Д.Тўраевнинг “Коинот формуласини ким кашф этган?” номли мақоласида асарни қисса деб атайди-да, уни яхши таҳлил қилади³⁵. Замонавий ўзбек илм-фанидаги, миллатнинг ривожлана олмаётганига сабаб сифатида, турли маиший қарашлар қуршовидаги одам фожеасини теран англайди. Ёш математик дунёнинг катта муаммосини ечишга яқин, бунга ишонади, бироқ на устози, на ота-онаси, на оиласи аъзолари унга буни уддалашга имкон бермайди. Бунга ўхшаш фожеа ўзбек адабиётида аввал ҳам тилга олинган. Масалан, Ўктам Усмоновнинг “Гирдоб” романидаги Азиз Қосимов, Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романидаги Юсуфларни келтириш мумкин. Бироқ улардан фарқли равишда, “Пуанкаре” асарида зиёлини яқинлари тушунмаслиги, унинг асл мақсадига етишишига имкон бермасликлари гипотеза сифатида берилишидир. Тўғри, бир қарашда, бу жуда содда, жўн, осондек туюлади. Бироқ қаҳрамонимизнинг уч ўлчамли олам имкониятини англаган ҳолда икки ўлчам ичида яшаши унга қанча азоб бериши, қийнаши даҳшатли даражада фожеадир.

³⁴ Йўлдошев А. Пуанкаре: ҳикоя ва қиссалар. – Тошкент: Akadernashr, 2014. - Б. 87

³⁵ Тўраев Д. Коинот формуласини ким тўпган? / Шарқ юлдузи. 2013, № 6. – Б. 142-145

Пуанкаре таълимотига кўра, ҳамма нарсанинг ўз ўрни бор ва ортиқча нарсанинг ўзи йўқлигига ишонсак, олим ортиқча деган ўринлар ҳам охир оқибат нисбийлик касб этади. “Маънисизлик маъниси” деган тамойил шу ерда ўзини намоён қилади. Иккинчидан эса ҳикояда олиб чиқилган асосий муаммо инсон олдидаги азалий жумбоқ – инсон ва у билан боғлиқ муаммоларнинг қонунқоидаларини ким ўйлаб топган ёки улар қайси тамойил асосида юз беради? Бу инсон концепциясидаги азалий муаммолардан бири ҳисобланади. Уни ўз вақтида Сизиф ҳам ечишга уринган. Румий буни мутлақ Ҳақнинг иродаси деб билган. Нитше Олий одамнинг тимсолларидан бири сифатида тасвирлаган. Умуман олганда, А.Йўлдошев олиб чиққан муаммо башарият томонидан жуда қадимдан жавоб изланаётган, инсон концепциясини яратишга асос бўлган муаммолардан бири бўлиб, инсон ана шу жавобга ечим излаш билан ҳаётига мазмун олиб киради.

